ТЕНДЕР ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ЎРГАНИБ ЧИҚИШ ВА ПЛАТФОРМАГА ТЕНДЕР ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ТЎҒРИСИДАГИ ЭЪЛОННИ ЖОЙЛАШТИРИШ ШАРТНОМАСИ № 11

"27" 12 2022 йил Навоий шаҳри

"Узбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Навоий вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази", бундан буён "Ташкилотчи" деб аталувчи, директор Р.К.Рустамов, Низом асосида иш юритувчи бир томондан ва **Навоий вилояти "Ягона буюртмачи хизмати" Инжиниринг компанияси**, бундан буён "Буюртмачи" деб аталувчи, директори А.Турдиев, Низом асосида иш юритувчи иккинчи томондан 2022 йил "22" 12. 205517-сонли баённомага асосан қуйидагилар тўғрисида шартнома тузадилар:

1. Шартнома предмети

1.1 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 январдаги "Қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 46-сон қарори талабларига амал қилган ҳолда "Ташкилотчи""Буюртмачи" томонидан буюртма қилинган қуйидаги объектнинг тендер танлов хужжатларини ўрганиб чиқиш ва махсус ахборот портали tender.mc.uz да эълон жойлаштириш мажбуриятини олади.

№	Объектлар номлари ва шахсий ҳисоб рақамлари	Ўлчов бирлиги	Миқ-дори	Нархи	Умумий суммаси
1	**Навбаҳор тумани "Ёш куч" маҳалла фуқоролар йиғини маъмурий биносини қуриш**	дона	1	1 9000 000	1 900 000
	Жами		**1**		**1 900 000**

1.2. "Буюртмачи" қуйидаги кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлаш мажбуриятларини олади:

а) тендер танлов ҳужжатларинийўрганибчиқиш;

б) платформага тендер предметитўғрисидагиэълоннижойлаштириш.

2.Бажариладиган иш ҳажмининг нархи ва умумий қиймати

2.1 Бажариладиганишҳажминингумумий қиймати Республикамизмиллийвалютаси сўмдабелгиланади.

2.2"Буюртмачи" томонидан буюртма объектнинг 2022 йил "22" 12 205517 -сонли баённомагава ушбу шартноманинг 1-иловасидаги "келишув баённома"сига асосан тендер хужжатларини ўрганиб чиқиш ва махсус ахборот портали tender.mc.uz да эълон жойлаштириш ҳаражатлари- 1 900 000 (Бир миллион тўққиз юз минг) сўмни ташкил қилади.

2.3. Шартномага киритиладиган қўшимча нархлар ўрнатилган тартибда тарафларнинг келишувига асосан амалга оширилади.

2.4. Бажариладиган ишнинг қиймати, нарх ошганлиги натижасида ўзгарганда, "Буюртмачи"га олдиндан хабардор килиб, ўзгарган нархини асослаган ҳолда иш бажарилади.

2.5."Буюртмачи" ўзгарган нархлар асосида қўшимча тўловларни бюджетда кўрсатилган лимит доирасида туловларни амалга оширади.

3. Тўлов шартлари

3.1 Шартнома умумий қийматининг 30% миқдорда аванс шартнома конуний кучга кирган кундан бошлаб 10 банк кун ичида "Ташкилотчи"нинг ҳисоб рақамига (сўмда) олдиндан тўловни амалга оширади.

3.2 Тўлиқ хизматлар (ишлар) бажарилгандан сўнг бажарилган ишлар далолатномаси (ҳисоб фактура) асосида буюртмачининг газначилигидаги хисоб ракамига пул келиб тушгавн кундан бошлаб 10 банк кун ичида 70% тўловни "Ташкилотчи"нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

3.3 "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 3.1. банди талаблари бажарилмаган тақдирда "Ташкилотчи" шартномада кўрсатилган иш ҳажмини бажармасликка хакли бўлади.

3.4 "Буюртмачи" тўловларни бажарилган иш (ҳисоб-фактура)га асосан шартномадаги умумий суммадан чиқмаган ҳолда амалга оширилади.

4. Ишнинг бажарилиш тартиби

4.1. Шартноманинг умумий суммасидан чиқмаган ҳолда "Ташкилотчи" шартномада кўрсатилган қуйидаги ишларни тўлиқ бажариши шарт:

4.1.1. тендер танлов хужжатларини ўрганиб чиқиш.

4.1.2.махсус ахборот портали tender.mc.uz да эълон жойлаштириш.

5. Томонларнинг мажбуриятлари

5.1 "Ташкилотчи" мажбуриятлари:

5.1.1. Олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг, шартноманинг 4.1 бандида кўрсатилган иш ҳажмини бажаришни бошлайди.

5.1.2 «Ташкилотчи» ишларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 январдаги "Қурилиш соҳасида электрон давлат харидларини ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 46-сон қарори талабларидан келиб чикиб белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлайди.

5.1.4 Иш жараёнида "Буюртмачи" аниқлаган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиб боради.

5.1.5. "Ташкилотчи" жойлаштирилганэлектрон эълон учун жавоб беради.

5.2 "Буюртмачи" мажбуриятлари:

5.2.1. Бажарилган иш ҳажмини қабул қилиб олгунча "Ташкилотчи" иштирокида бажарилган ишни обдон кўздан кечиради ва унинг сифатига яроклилигига эътибор беради;

5.2.2. Агар бажарилган иш талабга жавоб бермаса, яъни сифатсиз бўлса, "Буюртмачи" қабул қилмасликка ва сифатсиз бажарилган иш қисмини қайтадан тўлиқ, сифатли бажариб беришини талаб қилишга хақли бўлади.

5.2.3. Бажарилган иш ҳажми “Буюртмачи” томонидан тўлиқ қабул қилиб олингандан сўнг “Ташкилотчи”га шартномада кўрсатилган сумманинг қолган қисмини тўлиқ ўтказиб бериши шарт.

5.2.4. “Буюртмачи” электрон тендер танловларни электрон харид порталига эълон жойлаштириш учун ҳар бир объект бўйича электрон ҳужжатларни ва маълумотларни “Ташкилотчи”га тақдим этади.

6. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1. Томонлар шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва 1998йил 29 августдаги 670-1-сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий хуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни 25-32 бандлари бўйича жавобгар бўладилар.

6.2. Тўловлар муддати кечиктирилганда, “Буюртмачи” кечиктирилган хар бир кун учун 0.05% миқдорида, лекин шартноманинг умумий суммасини 10% дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.3. Шартномада кўрсатилган иш ҳажмини ўз вақтида бажарилишини кечиктирганлиги учун “Ташкилотчи” кечиктирилган ҳар бир кун учун 0,05% миқдорида, лекин шартноманинг умумий суммасини 10% дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Шартноманинг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

6.5. Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортишга ёки бир тарафлама ўзгартириш киритишга йўл қўйилмайди.

6.6 “Ташкилотчи” электрон тендер танлов хужжатларини ўрганиб чиқиш ва махсусу ахборот порталига эълон жойлаштириш коидалари бузилиши холларда юзага келиши мумкин булган жавобгарликка маъсул булади

7. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартнома бўйича томонлар шартларни бажармаган тақдирда, жавобгар томон келтирилган моддий ва маънавий зарарларни қоплайди.

7.2. Томонлар ўртасида шартномани тузишда, бажарилишида, ўзгартириш ва бекор қилишда етказилган зарарларни қоплашда юзага келадиган низолар огоҳлантириш ва даъво хатлари тартибида, агарда муросаага келинмаганда,Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий Судлари орқали ҳал қилинади.

8. Қўшимча шартлар

8.1. Икки томоннинг ўзаро ёзма келишувига асосан мазкур шартномага киритиладиган ўзгариш ва қўшимчалар қонуний кучига эга бўлади. Ўзгариш ва қўшимчалар шартномага илова қилиниши ҳам мумкин. Қилинган илова икки томоннинг мухри ва имзоси билан тасдикланган бўлиши шарт.

8.2. Бир томонлама шартномани бекор қилишга тўлов шартлари бажарилмаганлиги ва маҳсулот етказиб бериш тартиблари бузилганлиги асос бўлади.

8.3.Шартномада кўрсатилган маблағдан ортикча бажарилган иш ҳажмининг маблағини буюртмачи тўлаб беришни ўз зиммасига олмайди.

9. Коррупцияга қарши қўшимча шартлар

9.1. Хар бир тараф ушбу шартнома тузилишида ва ижро этилишида “Коррупцияга қарши курашиштўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (ЎРҚ-419 03.01.2017 йил) талабларига қатъий амал қилишга ва хар кандай коррупция холатига йўл қўймаслигини кафолатлайди.

10. Форс- мажор

10.1 Агар шартнома тузилгандан сўнг икки томон ўз мажбуриятларини ғайритабиий ҳолатлар, сув тошкини, ёнғин, ер силкиниши ва бошқа табиий офатлар сабабли бажарилмаса, ҳеч қайси томон тўла ёки кисман бажарилмаган мажбуриятлар учун жавобгар ҳисобланмайдилар.

11. Шартноманинг амал қилиш муддати

11.1. Мазкур шартнома вилоят газначиликдан руйхатдан утган кундан бошлаб конуний кучга керади ва 2022 йил “31” декабрга кадар амалда бўлади.

11.2. Мазкур шартнома битта иловаси билан бирга 2(икки) нусхада тузилган бўлиб, икки томон учун ҳам тенг кучга эга банк ҳисоб-китобларини амалга оширишга асос бўлади.

12. Томонларнинг юридик манзили

“Ташкилотчи”	“Буюртмачи”
“Узбекистон Республикаси Курилиш вазирлиги Навоий вилояти курилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази”,	**”Ягона буюртмачи хизмати” Инжиниринг компанияси**
Адрес: Навои шахри, Зарапетян кучаси 10	**Манзил: Навоий шаҳар Навоий кучаси 63 уй**
х/р: 20210000803903946001	**Телефон: 0436224-08-81**
Банк: Нав.филиал АКИБ «Ипотека банк»	**ш/х: 10002186012401701680501 8043**
МФО: 00205 ИНН: 202615785	**ИНН 204775508 ОКЭД:**
ОКЭД: 82990	**ЎзбекистонРеспубликаси Молия вазирлиги ғазначилик бошқармаси**
	р/с 23402000300100001010
	Банк МБ ХККМ Тошкент ш. БошБошкармаси
	МФО: 00014 Инн: 201122919
Директор _____ **Р. Рустамов**	**Директор** _____ **Турдиев А.**
М.У.	**М.У.**
	Хукукшунос: К.Курбонов

2022йил «27» 12
тузилган 11-сонли шартномага
илова

Шартнома нархи ҳақида келишув

П Р О Т О К О Л И

Бизларким, қуйида имзо чекувчилар: "Ташкилотчи" **"Узбекистон Республикаси Курилиш вазирлиги Навоий вилояти курилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази"** директори **Р. Рустамов** бир томондан, "Буюртмачи"ва **Навоий вилояти "Ягона буюртмачи хизмати" Инжиниринг компанияси** директори **А.Турдиев** иккинчи томондан, шартномада келтирилган объект бўйича электрон тендер танлов хужжатларини ўрганиб чиқиш ва махсус ахборот портали tender.mc.uz да эълон эълон жойлаштириш хизматлари учун шартнома нархи қийматини томонлар ўзаро келишилганлигини тасдиқлаймиз.

Тендер танлов хужжатларини ўрганиб чиқиш ва махсус ахборот портали tender.mc.uz да эълон жойлаштириш хизматларининг шартнома баҳоси объект бўйича 1 900 000 (Бир миллион тўққиз юз минг) сўмни ташкил қилади.

Мазкур протокол "Ташкилотчи" билан "Буюртмачи" ўртасида ўзаро ҳисоб-китобларни олиб бориш учун асос ҳисобланади.

"ТАШКИЛОТЧИ"томонидан

_____ **Р. Рустамов**
(имзо)

"БУЮРТМАЧИ"томонидан

_____ **А.Турдиев**
(имзо)